Ушбу сонда:
2 ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРДА янги иш ўринлари
3 Қинғир ишнинг қийиғи БОЗОРДАГИ ҚАЛЛОБЛИКЛАР
4 АРДОҚ – КЎНГИЛ МАЛҲАМИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ – ОЛИЙ БАХТ
ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2004 йил 14 июл, чоршанба № 113 (1746)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ*

## С.Б.Раҳимовни Ўзбекистон Республикаси Молия вазири этиб тайинлаш тўғрисида

Саидаҳмад Бориевич Раҳимов Ўзбекистон Республикаси Молия вазири этиб тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2004 йил 13 июл

## Шахмат бўйича жаҳон чемпиони, халқаро гроссмейстер Рустам Қосимжоновга

Қадрли Рустамжон ўғлим!

Сени авваламбор шахмат бўйича жаҳон чемпиони деган юксак унвонни қўлга киритганинг билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Сен эришган бу беқиёс ғалаба мамлакатимиздаги барча шахмат мухлислари, спорт жамоатчилиги, бутун халқимизга чексиз қувонч ва ғурур-ифтихор бағишлайди.

Бу нечоғлик улкан ютуқ эканини, дунёнинг манаман деган шахматчилари орасида биринчи бўлиш осон бўлмаганини барчамиз яхши англаймиз.

Ўзининг бетакрор тарихи ва маданияти, ақл-заковати билан асрлар давомида инсониятни ҳайратга солиб келган халқимизнинг юксак тафаккури ва интеллектуал салоҳияти мана шу ғалаба тимсолида яна бир бор ёрқин намоён бўлди, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Миллатимиз, халқимиз кўпдан буён орзу қилган мана шундай шукуҳли кунларга, мана шундай буюк зафарга етказгани учун барчамиз аввало Яратганимизга ҳар қанча шукроналар айтсак арзийди.

Сендек билимли, мард ва иродали ўғлонни вояга етказган ота-онанг, оила аъзоларинг, ноёб истеъдодингни рўёбга чиқаришга ҳисса қўшган устоз-мураббийларингга раҳматлар айтамиз.

Юртимиз ҳаётидаги бу тарихий воқеа мустақиллик одамларимиз учун, аввало ёш авлод учун нақадар катта имкониятлар очиб берганини, бизнинг ҳеч кимдан кам эмаслигимиз ва ҳеч кимдан кам бўлмаслигимизнинг яна бир амалий тасдиғидир.

Сенга бахт ва омад ҳамиша ёр бўлсин, доимо омон бўл!

**Ислом КАРИМОВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти**

АЖОЙИБ ХУШХАБАР

# ЎЗБЕК ЎҒЛОНИ – ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ!

***Ливия пойтахти Триполи шаҳрида шахмат бўйича жаҳон чемпионати баҳслари якунига етди. Дунёнинг энг сара 128 нафар шахмат усталари иштирок этган беллашувларда ҳамюртимиз Рустам Қосимжонов финалда англиялик халқаро гроссмейстер Майкл Адамсни мағлуб этиб, ўзбек шахмати тарихида биринчи бўлиб жаҳон чемпиони унвонини қўлга киритди!***



Рустам эришган муваффақиятлар жаҳон ахборот агентликлари томонидан шов-шувли натижа сифатида эътироф этилмоқда. Бунинг ўзига хос сабаблари бор эди, албатта. Жаҳон чемпионати бошланиши арафасида рейтинг жадвалида 54-ўринда бораётган Р.Қосимжонов бирин-кетин ўзидан кучли спортчиларни мағлубиятга учратди. 1/16 финал баҳсларида у турнир ғолиблигига асосий даъвогарлардан бири Европа чемпиони, жаҳон вице-чемпиони украиналик Василий Иванчукни енгди. Ярим финалда эса янада кучлироқ бўлган, чемпионатнинг биринчи рақамли шахматчиси болгариялик Веселин Топаловни таслим этганида, мутахассис ва мухлислар ҳайратда қолдилар.

Финал учрашуви олдидан мутахассислар, агар Майкл Адамс чемпион бўлишни истаса, ўйинни тезкор шахмат (тай-брейк-)гача етказмай, тезроқ якунлаши кераклигини айтишганди. Бироқ англиялик шахматчи бунинг уддасидан чиқа олмади. Қоидага мувофиқ ўтказилган 6 партияли «шахмат жанги» дуранг билан якунланди. 25 дақиқадан иборат икки партияли тезкор шахматда Рустам ажойиб ўйин намойиш этди. Ҳисоб 1,5-0,5. Рустам Қосимжонов – жаҳон чемпиони!

Кези келганда биринчи ўзбек жаҳон чемпиони ҳақида қисқача маълумот. Рустам Қосимжонов 1979 йил 5 декабрда Тошкент шаҳрида таваллуд топган. Шахмат ўйнашни беш ёшидан бошлаган. Унинг биринчи устози акаси Хуршид Қосимжоновдир. Рустамнинг халқаро майдондаги илк ғалабаси 1993 йилда Испанияда бўлиб ўтган кадетлар ўртасида жаҳон чемпионатида юз берди. У 17 ёшида халқаро тоифадаги гроссмейстер унвонини олишга сазовор бўлди.

Эришган ютуқлари учун ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланган. У «Ўзбекистон ифтихори» унвони билан мукофотланган.

Фурсатдан фойдаланиб, ўзбекистонлик барча шахмат мухлисларини ҳамюртимиз эришган буюк ғалаба билан муборакбод этамиз. Рустам Қосимжоновга эса келгуси шахмат беллашувларида ҳам юксак натижаларга эришишини тилаб қоламиз.

**Абдулҳай ЮНУСОВ, «Ишонч» мухбири**

*Ҳисобот-сайловлар олдидан*

***Айни пайтда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши қарорига биноан республика касаба уюшма ҳисобот ва сайловлар ўтказиш учун қизғин тайёргарлик кўрилмоқда.***

## ФИДОЙИ ЕТАКЧИЛАР КЕРАК

Август ва сентябр ойларида Хоразм вилояти касаба уюшмаларининг 1182 бошланғич, 32 та шаҳар ва туман, 12 та тармоқ вилоят қўмитаси ва вакиллигида ҳисобот ва сайловлар бўлиб ўтади. Низомга кўра шу йилнинг 30 апрелида ҳисобот ва сайловлар ўтказиш ҳақида Хоразм вилояти касаба уюшмалари раёсати қарор қабул қилган эди. Шу қарор асосида касаба уюшма кадрлари ўқуви ўтказилди. Унда бу борада амалга ошириладиган ишлар муҳокама этилди. Шундан кейин вилоят кенгаши раёсати ишлаб чиққан тавсиялар ва қабул қилинган қарор «Инсон манфаати» ахборотномасида чоп қилинди.

Бозор иқтисодиёти касаба уюшма ташкилоти етакчиларидан ишга ижодий ёндошувни, янги иш услубларини изчиллик билан амалга татбиқ этишни тақозо этмоқда.

– Иқтисодий реформалар изчиллик билан амалга оширилаётган даврда, – дейди вилоят касаба уюшмалари кенгаши ташкилий ишлар бўлим мудири О.Отажонов, – касабақўм етакчиларидан фидойиликни, эл-юрт учун жон куйдириб меҳнат қилишни талаб қилмоқда. Меҳнаткашларни ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий ҳимоялаш касабақўм раисида мукаммал тушунча бўлиши зарур.

Дарҳақиқат, янги сайланадиган касабақўм раиси инсонлар қалбига йўл топа билиши, иқтисодиёт, тадбиркорликни яхши тушуниши, омманинг жонкуяри бўлиши керак. Таълим ва фан ходимлари, агросаноат мажмуи, ёқилғи-энергетика ходимлари касаба уюшмалари вилоят қўмиталарида ана шундай етакчилар анчагина. Шу боис меҳнаткашларнинг доно маслаҳатгўйи, ғамхўри сифатида уларнинг обрўйи тобора ошиб бормоқда.

**Э.ЭРМАТОВ, «Ишонч» мухбири**

*Мустақиллик — буюк бахт*

# КИМ ЭДИГУ, КИМ БЎЛДИК

***Хадемай ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизда туб бурилиш ясаган, эркин жамият бахшида қилган мустақиллигимизни ўн тўртинчи маротаба нишонлаймиз. Ушбу шодиёна яқинлашган сари ким эдигу, ким бўлдик деган савол юраклардан ўтиши, ҳеч кимдан кам бўлмаган ҳаёт тарзимизга шукроналар айтишимиз табиий. «Пахта иши», «ўзбеклар иши» тамғаси билан халқимиз бошига тушган қора кунларни ким унита олади? Жалакудуқлик Мамағиёс ака Қодиров ҳам ўз даврининг аламзадаларидан бири. Катта миқдордаги шолини ўмариб кетган район «катталари»нинг ўғирликларига гувоҳ бўлгани учун жиноятчи қолиб, ўзи суднинг курсисига ўтиришига бир баҳя қолганди.***

## I. ҚАЛБАКИ ИШОНЧНОМАЛАР

У пайтларда Мамағиёс ака қишлоқдаги Калинин номли колхозда тафтиш комиссиясига раислик қиларди. Марказ Ильичевск шаҳри (ҳозирги Қорасув шаҳри) ҳисобланарди. Районда ўтган қандайдир йиғилишдан тунги соат бирларда қайтаётганди. Фақат раис «политорка» машинада юрар, оддий ходимлар юмушларни отда битирарди. Қорағунон канали кўпригига келганда, қорабайирга дам бермоқчи бўлади. Ногаҳон кўзи қоронғида турган юк машинасига, атрофида ўралашаётган кишиларга тушди. Яқинлашиб қараса, кузов тўла шоли. Одамлардан бири оғзидан «гуллаб» қўйди. Юкни исполкумбува Тўхтаровнинг (номи ўзгартиб олинди) уйига олиб кетишаётганлиги, машина бузулиб, панд берганлигини айтди. Мамағиёс ака хирмондан омборга шоли билан йўлга чиққан машинанинг ўша куни бирдан ғойиб бўлганини тушунгандек бўлди.

Оз муддатдан кейин қишлоқда ажабтовур воқеа юз берди. Тафтишқўм раисига ишловчиларга иш ҳақи ўрнига натура ҳолда шоли берилганлиги ҳақидаги ҳужжатни тақдим қилишди. Ҳужжат рисоладагидек бўлиб, чиқим рўйхат, имзо, ишончномалар билан расмийлаштирилганди. Таажубланарлиси, шоли омбордан эмас, хирмондаёқ тарқатилганди.

Кунларнинг бирида Мамағиёс аканинг дарвозаси олдида кузови тобутга ўхшаш қора мато билан қопланган машина пайдо бўлди. Ундан бирин-кетин милиционерлар тушди. Белларидаги камарга чарм ғилоф осилган бўлиб, ундан тўппончанинг соплари кўриниб турарди. Ҳе йўқ, бе йўқ, тафтишқўмни туртиша-туртиша машинага олиб чиқдилар. Ички ишлар бўлимида масала аён бўлди. Мушукники каби совуқ кўзларини ўсиқ қоши қоплаган район прокурори уни сўроққа тутди. Эмишки Мамағиёс Қодиров омбордаги 14 тонна шолини талон-торож қилинишида ишбоши бўлганмиш. Далил-ашё сифатида тафтишқўмнинг юзига прокурор юқорида эслатилган шоли олувчилар рўйхатини улоқтирди. Тафтишқўм рўйхатда ўзининг тасдиқловчи имзоси йўқлиги, қўйилаётган айб, туҳмат эканлигини айтмоқчи бўлди. Прокурор оғиз очирмади. Аслида иш ҳақи олувчиларга 30 килограмдан шоли текканлиги, лекин устамонларнинг қўли билан рақамлар қаршисига қалбаки «бир» қўшилиб, маҳсулот 130 килограмга оширилганлигини тафтишқўмга тўнкади.

Мамағиёс ака, табиийки, бу айбларни тан олмади. Прокурор зуғумни кучайтирди. Омборга ревизорлар ташланди. Тафтишқўмни соатлаб оёқда тик турғизиб тонготаргача тергов қилди. Авахтага ташлаш билан қўрқитишди. Аммо тафтишқўм уларнинг измига юрмади. Шунда пинхона келишув – «яраш» битими тузмоқчи бўлишди. «Ўйиндан» мақсад исполкўмбувани сувдан қуруқ чиқариш, шу йўл билан маҳаллий ҳокимиятнинг обрўйини сақлаб қолиш, чоҳга оддий фуқарони итариш эканлигини тафтишқўм пайқаб турарди. Мамағиёс ака колхоз мулки «район катталари» томонидан хомталаш қилинаётгани ҳақида юқорига хат тушганини, текшир-текширнинг давом этаётганлигини кейинчалик эшитди.

(Давоми 3-бетда)

*Яхши ишлаб, яхши яшаётганлар*

***Агросаноат мажмуида ислоҳотларнинг изчил татбиқ этилаётганлиги ва илғор технологиялардан унумли фойдаланилаётганлиги деҳқончиликда ижобий ютуқларни қўлга киритишнинг бош омилларидан бири бўлмоқда. Бунинг натижаси ўлароқ барқарорлик нафақат иқтисодий ўнгланишга, балки ижтимоий соҳалар, маиший турмуш шароитларининг яхшиланишига, кам таъминланган ва қарамоғида ҳеч кими йўқ кишиларни моддий қўллашга имкон бермоқда. Буни Янгиариқ туманидаги Аваз Ўтар номли ширкат хўжалиги мисолида ҳам кўриш мумкин.***

# КАЙФИЯТ

## рағбат ва даромадга боғлиқ

Аввало ана шу ширкат ва бу ерда истиқомат қилаётган аҳоли ҳақида икки оғиз сўз: хўжалик тасарруфида битта, яъни Каттабоғ қишлоғи мавжуд бўлиб, ўн минг нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилади. 1000 гектарга яқин экин майдони мавжуд, бинобарин қишлоқ хўжалиги юмушларига ҳаммани жалб этишнинг имкони йўқ. Шундай бўлса-да, одамлар тақдири кўп жиҳатдан ширкат билан бевосита боғлиқ. Ҳосил мўл бўлса барча манфаат кўради, кўчалар ва гузарлар ободонлаштирилиб, файзу барака киради.

Бироқ ростини айтиш жоиз, бир неча йиллар хўжаликда анча депсинишлар бўлди. Боиси, деҳқон қилган меҳнатига яраша манфаат кўрмади. Бу – ишлаб чиқаришга ҳам, ўз-ўзини иқтисодий таъминлашга ҳам салбий таъсир кўрсатганлигини бугун ишчилар яхши эслашади.

«Ер тўғрисида»ги, «Деҳқон-фермер хўжалиги тўғрисида»-ги ва бошқа кўплаб қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга йўналтирилган ҳаётбахш қонунлар соҳадагилар жонига оро кирди. Юртимиз шимолидаги кўплаб хўжаликлар қаторида Аваз Ўтар номли ширкатда ҳам ишлаб чиқариш ва маҳсулот етиштиришга бўлган муносабат ўзгариб, энг муҳими, одамлар шуурида ерга эгалик ҳисси уйғониб, эртанги кунга умид-ишонч мустаҳкамланди.

Даставвал экин майдонлари 32 та оила пудратига бўлиб берилди. Ширкат усулига ўтиб ишлашнинг афзалликлари, янгича ишлаш натижасида мулкка ҳамма тенг эгалик қилиши тушунтирилди. Ўша йилиёқ ўзини ўзи зўрға тортиб юрган хўжалик режаларни ошириб бажарди. Ҳосилдорлик ўртача 24 центнердан 36 центнерга, рентабеллик эса бир неча барабарга ўсди.

(Давоми 2-бетда)

## ФЕРМЕРЛАР УЧУН ҚУЛАЙЛИК

***«Тошкент трактор заводи» давлат акциядорлик жамияти ширкат ва фермер хўжаликлари учун ТТЗ-80.10, ТТЗ-80.11, BY-300, BY-304-02 тракторларини мамлакатимиз минтақаларига дилерлик асосида - савдо-сервис марказлари орқали тўғридан-тўғри етказиб беришни йўлга қўйди.***

Эндиликда Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё, Сурхондарё, Хоразм, Жиззах, Фарғона ва Наманган вилоятларидаги мижозлар шундай марказларда кўргазмага қўйилган техника воситаларидан ўзларига маъқулини нисбатан арзон нархда сотиб олиши мумкин. Ҳозиргача шу усулда деҳқон ва фермерларга қирққа яқин трактор етказиб берилди.

***2004 йил юртимизда «Меҳр ва мурувват йили» деб эълон қилинди. Бу борада энг асосий вазифа – жамоатчилик орасида, аввало ёшлар, кексалар ўртасида меҳр ва мурувват туйғусини янада юксалтиришдан иборат. Ногиронларга, ёлғиз қарияларга, боқувчисини йўқотганларга ҳар томонлама ғамхўрлик ва ёрдам кўрсатиш барча онгли инсонларнинг муқаддас бурчидир.***

# МЕҲНАТ ҚОНУНЧИЛИГИ

## фаровон турмуш гаровидир

Касаба уюшмалари ва унинг фаолияти тўғрисида гап кетганда кўпчиликда уни фақат моддий ёрдам берувчи ташкилот деган тушунча мавжуд. Ваҳоланки, касаба уюшмаси киши қайси бир муассасада фаолият кўрсатмасин, уни ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий ҳимоясини зиммасига олган муассасадир.

Хўш, бугунги кунда ширкат хўжаликлари бошланғич касаба уюшмаси ишловчиларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий ҳимоячиси бўла оляптими?

Чуст туман «Олмос» ширкат хўжалиги бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси Ваҳобжон Гилопов билан бўлган суҳбатимиз шу хусусда бўлди.

– Албатта хўжаликда фаолият кўрсатаётган ишловчининг фарзандини оромгоҳга жўнатиш ёхуд хасталанган меҳнаткашни даволатиш учун санаторийга йўлланма олиб бериш уларнинг кайфиятини кўтаради, – дейди хўжалик касабақўм раиси Ваҳобжон Гилопов. - Бошланғич касаба уюшма қўмитамиз жамоа шартномаси асосида иш ташкил қилган бўлиб, унинг ҳар бир банди билан барча аъзоларимиз тўла-тўкис танишиб чиқишган.

Ишловчиларнинг ширкат хўжаликларига ишга жойлашиши оддий. Лекин айрим хўжаликда ишловчи ходим ёки ишчи фаолият кўрсатаётган ширкат бошланғич касаба уюшмаси томонидан қабул қилинган жамоа шартномаси билан ўз хоҳишича бир бор қизиқиб ҳам кўрмайди.

Ваҳоланки, мазкур ҳужжат меҳнаткашларни ҳимоя этадиган ҳужжат ҳисобланади. Умуман, бугунги кунда меҳнат қонунчилигига оид билимларни ошириш, уни талаб даражасига кўтариш асосий вазифалардан бири бўлиб қолди.

Хўжаликда ўртача иш ҳақи 20 минг сўм атрофида. Бошланғич касаба уюшма ташкилоти раиси шартномага асосан 50 фоизли иш ҳақи билан таъминланган.

«Олмос» ширкат хўжалиги ва бошланғич касаба уюшма қўмитаси ташаббуси билан якка-ёлғиз Худоёр Сахижоновга хўжалик ҳисобидан ҳашар йўли орқали уй-жой қуриб берилди. 340 бош қорамол, 1100 бош майда мол, 500 бош парранда ёрдамчи хўжаликнинг асосини ташкил қилади. Сут, тухум, гўшт маҳсулотлари вақти-вақти билан ишловчиларга арзонлаштирилган нархда, якка-ёлғиз, шароити оғирларга бепул тарқатилади.

Жорий йил давомида 8,5 миллион сўм маблағ моддий ёрдам сифатида берилди. 10 миллион сўмлик ободончилик ишлари амалга оширилди. 3 км масофага бетон ариқ ўтказилди. «Мўнчоқтепа» маҳалласини қишлоқ маркази билан боғловчи йўлга кўприк қурилиб, 2,5 миллион сўм маблағ сарфланди.

Хўжалик ҳудудида жойлашган 17-мактабга 2 миллион сўмлик ёрдам берилди. Спорт майдончалари талаб даражасига келтирилди.

Меҳнаткашларни яхши дам олиб, самарали меҳнат қилишлари учун хўжалик биносида бокс, каратэ, шахмат-шашка тўгараклари, кутубхоналар мунтазам ишлаб турибди. Яқинда 10 минг томошабинга мўлжалланган стадион, маҳалла гузари, 5 та маҳаллада милиция таянч пунктлари қурилиши учун 6 миллион сўм маблағ сарфланди.

**Соҳибахон АЪЗАМОВА, «Ишонч» мухбири**

*Ҳар соҳадан бир шингил*

## ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНИ ИНТЕРНЕТГА УЛАНДИ

***Конрад Аденауэр номидаги жамғарма, «Маҳалла» республика хайрия жамғармаси ва Тадбиркорларни информацион қўллаб-қувватлаш «Заковат» жамоатчилик жамғармаси Боёвут туманидаги Деҳқонобод қишлоғи фуқаролар йиғинига Интернетга уланган компьютерни тақдим этишди.***

- Бу ташкилотларга биз бироз илгари қишлоқ инфратузилмасини яхшилаш, ёшлар учун янги иш ўринларини ташкил этишга қаратилган лойиҳа тақдим этган эдик, - дейди қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Ускан Хидиров. - Лойиҳамиз маъқулланиб, 683,2 минг АҚШ долларига тенг грантни қўлга киритдик.

Фуқаролар йиғини ушбу маблағларни аҳолини ичимлик суви, табиий газ ва электр энергия билан узлуксиз таъминлаш муаммоларини ҳал қилиш, қишлоқни ободонлаштиришга сарфлаш ниятида.

## ШИРКАТ ХЎЖАЛИГИДА ШИФО МАСКАНИ

***Юқори Чирчиқ туманининг «Гулистон» ширкат хўжалигида уч мингдан ортиқ кишига хизмат кўрсатувчи янги қишлоқ врачлик пункти фойдаланишга топширилди. Уни қуриш ва жиҳозлашга қирқ миллион сўм сарфланди.***

Шифо масканида умумий амалиёт шифокори, акушер-гинеколог, педиатр, хирург, стоматолог, физиотерапия хоналари ҳамда саккис ўринли кундузги стационар ишлаб турибди. Туманда июл ойида яна бир ана шундай тиббиёт муассасасини ишга тушириш режалаштирилган.

## ЧИПТА - 50 СЎМ

***Қарши шаҳридаги энг серқатнов йўналиш бўйлаб «ЎзОтойол» русумли ўнта янги автобус қатнай бошлади. Улардаги чипта нархи илгари қатнаб турган «РАФ» русумли микроавтобусларга қараганда анча арзон - эллик сўм. Муҳими, бу йўналишда янги автобуслар пайдо бўлиши билан элликта янги ишчи ўрни очилди.***

- Дастлабки ўнта автобусни «Асакабанк»нинг вилоят филиали кўмагида узоқ муддатли лизингга олдик, - дейди Қарши шаҳридаги «Саноатқурилишхизмат» компанияси бош директори А.Эшназаров. -Лизинг шартномаси қиймати 235 миллион сўмдан ортиқ. Биз бу маблағни уч йил ичида қайтарамиз. Шу йиллар давомида шаҳар ва шаҳар атрофи йўналишларидаги автобуслар сони 150 тага етади.

## «САЛОМАТЛИК ПОЕЗДИ» НАВОИЙДА

***Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигининг «Саломатлик поезди»да Навоий вилоятига келган малакали шифокорлар қариялар, ногирон ва беморларни тиббий кўрикдан ўтказди.***

Аҳволи оғир беморларга даволаниш учун пойтахтимиздаги шифохоналарга йўлланма ва бепул дори-дармон тарқатилди.

## ПОЛВОНЛАР ТУРКИЯДА БЕЛЛАШДИ

***Ўзбек кураши халқаро спорт турига айлангандан буён турли мамлакатларда мазкур спорт тури бўйича нуфузли турнирлар, чемпионатлар ва мусобакалар мунтазам ўтказилмоқда. Яқинда Туркияда кураш бўйича II Босфор анъанавий халқаро турнири ташкил этилди.***

Кураш Халқаро ассоциацияси матбуот хизматидан ЎзА мухбирига маълум қилишларича, мусобақада ўндан зиёд мамлакат спортчилари ғолиблик учун гиламга чиққан.

Унда икки нафар курашчимиз - Маҳтумкули Маҳмудов ҳамда Давлат Чориев жами тўрт медалга сазовор бўлди. Д.Чориев олтин ва бронза, М.Маҳмудов эса иккита кумуш медални қўлга киритди.

**(ЎзА)**

*Яхши ишлаб, яхши яшаётганлар*

# КАЙФИЯТ

## рағбат ва даромадга боғлиқ

(Боши 1-бетда)

Мавсум якунида ишчилар бир сўм меҳнат ҳақига қўшимча 1.75 тийиндан даромад олишди. Хўжалик хазинаси ҳам сарф-харажатлардан ташқари миллионлаб фойда кўрди. Даромаднинг бир қисмига учта «Олтой» тракторлари сотиб олиниб, сўнг маданий-маиший ишларга эътибор қаратилди, яна бир қисми эса қишлоқ инфратузилмасини шакллантиришга, яъни 2 км сув қувурларини янгилашга, 2,5 кмда газлаштириш ишларини якунлашга сарфланди.

Ширкат аъзоларининг бугун кайфияти аъло. Мавжуд ғаллазорлардаги ҳосил қисқа фурсатларда йиғиштириб олиниб, давлатга сотиш режалари уддаланди. Ҳосилдорлик гектар бошига 46 центнерданга тош босди. Ҳар гектарига режалаштирилган сарф-харажат ўртача 346 минг сўм ўрнига 260 минг сўмданга тўғри келди. Бу – гектаридан 86 минг сўм тежалишига имкон берди. Боз устига мавжуд майдонлардаги йиғиштириб олинган сара ҳосилнинг асосий қисми элита – яъни уруғлик сифатида сотилади. Даромад ҳам шунга лойиқ бўлиши турган гап.

Ғалла етиштиришда юқори натижаларга эришувнинг яна бир жиҳати бор: биринчи галда туманда қишлоқ хўжалиги ходимларини рағбатлантириш жамғармасининг ташкил этилганини ва бу жамғарма ишчиларни вақтида моддий қўллаб-қувватлаб, уларга руҳий мадад бераётганлигини алоҳида эътироф этиш ўринлидир. Масалан, мавсумда энг илғор оила пудратчиси, илғор механизатор, сувчи, ишчи каби танловлар асосида ҳар беш кунда 50 минг сўмдан рағбатлантиришнинг ташкил этилгани нафақат ана шу хўжаликда, балки тумандаги барча агросаноат мажмуи ходимларини ташаббуслар кўрсатишга ва изланиб тадбиркорлик қилишга ундамоқда. Иккиламчи эса, ишчининг кўнгилдагидек ишлаши учун яратилаётган шароит ҳам меҳнат унумдорлигини ошираяпти. Айтайлик, икки маҳал иссиқ овқат, кўчма савдо дўконлари ва тиббий хизмат кўрсатиш пунктининг иш жойида фаолият кўрсатиши деҳқон вақтини тежаш қаторида, бу борадаги муаммоларга барҳам бермоқда.

Изланса, ташаббуслар кўрсатса, барча соҳада ҳам кўзланган натижага эришиш мумкин эканлигини Аваз Ўтар номли ширкат хўжалигининг фақат ғалла етиштириш мавсумидаги эришган ютуқлари мисолига тўхталдик, холос. Аслида ана шу ширкатда сўнги йилларда агросаноат мажмуининг барча тармоқларидан кўзланган самара олинаётганлигини фақат туманда эмас, соҳадошлар вилоятда ҳам яхши билишади. Бироқ ишлаб чиқариши зўр бўлгани билан ижтимоий соҳаларни эътибордан четга чиқариб келаётган хўжаликлар, афсуски, кўплаб топилади. Хўш, бу ширкатдаги аҳволи қандай, деган савол ўз-ўзидан қўйилаверади.

Мақола бошланишида ширкат тасарруфида ўн минг нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилишини таъкидлагандик. Улар орасида 400 нафардан зиёд нафақахўр, кам таъминланган ва 14 нафар якка-ёлғизлар бор.

Йил бошидан буён 26 нафар киши, шундан 15 нафари қишлоқ нафақахўрлари ширкат ҳисобидан турли санаторийларда дам олиб, соғлиқларини тиклаб қайтишди. Шулар қаторида нафақахўрларга вақти-вақти билан шу ерда етиштирилаётган маҳсулотлар текинга берилаяпти. Қарамоғида ҳеч кими йўқ кишилар эса хўжалик оталиғида.

Шунингдек, Каттабоғ қишлоғида истиқомат қилаётган 100 ва ундан ошган 30 нафар нуронийлар ҳам оталиққа олинган. Улар ҳолаҳволидан хабардор бўлиб, ун, ёғ, гўшт ва бошқа маҳсулотлар – байрамларда қимматбаҳо совғалар улашилиб, моддий қўллаб-қувватланаяпти.

Асосий масалалардан бири, бу ёшларни иш билан таъминлаш ва янги ишчи ўринлари барпо этиш. Агар кейинги даврда бу соҳада қилинган ишлар кўламига назар ташланса, кўплаб муаммолар ечим топаётганлигини кўриш мумкин. Масалан, даромад ҳисобидан «Каттабоғ» фирмаси ташкил этилиб, эндиликда 50 нафар ёшлар бу ерда турли хилдаги гиламлар ишлаб чиқармоқда. Ёки кичик ғишт заводи қуриб битказилиши билан 42 нафар киши ишли бўлди. Шунингдек, қатор савдо расталари, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари қаторида кулолчилик, тандир ишлаб чиқариш цехларида ҳам 70 нафардан ортиқ киши банд. 300 та хизмат кўрсатиш техникаси эса аҳоли корига ярамоқда.

Ширкат тасарруфидаги барча маҳаллалар ичимлик суви, табиий газ билан таъминланиб, маданий соҳаларнинг бир зайлда ишлаши ва аҳолига хизмат кўрсатиши таъминланган. Ҳозирда бу ерда қишлоқ оқшомлари файзли ўтади: кутубхона, клуб, спорт иншоотлари ишлаб турибди, турли қизиқарли тадбирларни уюштириш йўлга қўйилган. Ваҳоланки, яқин-яқинларгача бу нарсалар салкам унутилаёзганди, борлари эса қаровсизликдан ташландиқ ҳолга келганди.

Истиқлол ва мустақиллик, эркин яшаш, ишлаш, ерга эгалик ҳиссини туюш деҳқоннинг ҳам ўзини бойитишга, ҳам фаровонликни орттириб, ташаббуслар қилишига йўл очганлигини бу ширкатда бўлган киши англаб олиши унчалик қийин эмас.

Ғайрат Эрназаров, Комилжон Саъдуллаев, Сотимбой Жуманиёзов, Отаназар Худойберганов, Мадрим Назаров сингари бош пудратчилар нафақат ҳосилдорликни ошириб мўл маҳсулот етиштираяптилар, балки ижтимоий соҳаларни ривожлантиришга ҳам баҳоли қудрат ҳисса қўшишмоқда.

Ширкат ишчиларининг режалари жуда кўп. Муҳими, ташаббус ва изланиш учун рағбат бор, зеро ўйланган мақсадларнинг рўёбга чиқишига ишонч мавжуд.

**Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,**
**«Ишонч» мухбири**

*Ёз саховати*

# «ДАРСАН» ДАЛАЛАРИДА ПИШИҚЧИЛИК

***«Дарсан»даги ширкат хўжалиги зироатчилари юз берган табиат қийинчиликларига қарамай, қишлоқ хўжалик экинларининг барвақт ўсишини таъминладилар. Ҳозирги кунда далаларда 45 гектар майдонда сабзавот, 65 гектар ерда полиз, 100 гектарда бошқа нознеъматлар етиштириляпти.***



Тажрибали деҳқон Йўлдош Давлетов бошчилик қилаётган «Маданият» ширкатида етиштирилган мўл ҳосил истеъмолчиларга етказиб бериляпти. Пайкалларда помидор ва бодрингнинг хушбўй ҳиди таралади. Эртанги қовун-тарвузлар пишиб етилди.

Бош ижарачи Эсенгали Жамолов зироатчиликни пухта ўзлаштириб олган. Шу боис 40 гектар майдонда сабзавот ва полиз экинларининг ҳосили мўл. Ерлар шартнома асосида 22 та ижарачига бўлиб берилган. Техника, ишчи кучи етарли. Ўсимликлар агротехника талаблари асосида парваришланяпти.

Тажрибали механизатор ва ишчилардан Эркинбой Алламбергенов, Саидназар Бобоназаров, Мирзабой Мингбоев, Делжон Бердиевлар аҳоли дастурхони тўкинлигини таъминлашга муносиб улуш қўшиб келишяпти.

Умуман 125 нафар ижарачи сабзавот ва полизчилик билан шуғулланяпти.

Ширкат аъзолари тумандаги «Қорақалпоқтомат» корхонаси, «Оқ манғит» деҳқон бозори ва Хўжайли шаҳридаги «Май» акционерлик жамиятлари билан шартнома тузишган.

Хуллас, дарсанликлар қийин ва машаққатли ишга қўл уриб, Оролбўйининг оғир табиий шароитида эл дастурхонига сархил ноз-неъматлар етказиб беришяпти. Жамият бош ҳосилоти Бахтиёр Дарменовнинг таъкидлашича, мавсумда мижозларга минг тоннадан зиёд сабзавот ва бошқа кўплаб маҳсулот етказиб берилади.

Жамоада ишчи-хизматчиларнинг ижтимоий ҳимоясига алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, ижарачиларга вақтида ҳақ тўланади. Илғорлар моддий рағбатлантирилиб борилади. Далада ишлаётганлар учун қулайлик яратилган.

**И.ИСОМИДДИНОВ**

***Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон темирйўлининг биринчи навбати мамлакатимиз мустақиллигининг 13 йиллиги арафасида ишга тушади. Узунлиги салкам 220 километрга тенг янги темирйўл уч босқичда қурилмоқда. Унинг биринчи навбати - Тошгузар-Деҳқонобод станциялари оралиғидаги масофа 56,8 километрни ташкил этади.***

# ПЎЛАТ ИЗЛАР ТУТАШГАНДА

Жорий йилнинг олти ойи мобайнида эллик чақирим масофада тупроқ ишлари бажарилиб, қирқ километр темирйўл ётқизилди. Йил охиригача Тошгузар ва Деҳқонобод станциялари қуриб битказилади. Қурилиши мўлжалланган ўн икки кўприкнинг олтитаси битди.

Вилоятнинг тоғли Деҳқонобод тумани ҳудудидан ўтаётган пўлат из туманнинг иқтисодий ривожида муҳим омил бўлади. Жумладан, бу ердаги туз конида германиялик ишбилармонлар билан ҳамкорликда калий заводи қурилиши мўлжалланган.



*Ислоҳот одимлари*

# ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРДА

## янги иш ўринлари

***Юрт фаровонлиги, халқ турмуш тарзининг юксаклиги пировард натижада мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий-ижтимоий ислоҳотларга бевосита боғлиқдир. Бу борада Пахтакор туманида бирмунча ютуқларга эришилмоқда.***

Ислоҳотларнинг амалиётга дадил жорий этилаётганлиги боис туман иқтисодиётида сезиларли ўсиш суръати таъминланмоқда. Жумладан, жорий йилнинг биринчи чораги мобайнида саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда 41,6 фоиз, халқ истеъмоли моллари тайёрлашда салкам 12 фоиз юксалишга эришилди. Қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан эса 1 миллиард 197 минг сўмликдан зиёд маҳсулот истеъмолчиларга етказиб берилди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан анча кўп демакдир.

Тадбиркорликни ривожлантириш — давр талаби. Шунинг учун ҳам туманда хусусий тадбиркорлик, кичик бизнес субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга биринчи галдаги вазифа сифатида қаралмоқда. Шу мақсадда тадбиркорларга 158 миллион 500 минг сўмлик кредитлар ажратилди. Бунинг асосий қисмини узоқ муддатли кредитлар ташкил этди. Натижада кичик бизнес субъектларининг ялпи маҳсулот ишлаб чиқаришдаги улуши анча салмоқдор бўлди. 244 та янги иш ўрни яратилиб, маҳаллий ёшлар муқим иш билан таъминланди.

Барча жабҳалардаги иқтисодий юксалиш, ўз навбатида, аҳоли турмуш шароитини яхшилаш, қишлоқ инфратузилмасини шакллантириш учун катта имконият яратмоқда. Яқин ойлар ичида 4 та маиший хизмат ва битта умумий овқатланиш объекти, шунингдек, 3 та савдо дўкони қурилиб, фойдаланишга топширилди. 2,3 километрлик ичимлик сув тармоғи тортилди. 5 километрга яқин газ тармоғини ишга тушириш учун эса 45 миллион сўм маблағ сарфланди. Бунинг 16 миллион сўми ҳомийлар томонидан ажратилди.

Туманда кам таъминланган оилаларни ижтимоий муҳофазалаш борасида ҳам бир қатор ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Масалан, мактаб кутубхоналари фондини бойитиш, шу билан бирга кам таъминланган оила фарзандларини дарсликлар билан таъминлаш учун бир неча ўн номдаги 22 минг 700 га яқин китоблар харид қилинди. 31-мактаб-интернат ўқувчиларига эса туман ҳокимлиги томонидан 200 минг сўмлик дарсликлар, 2 та компьютер, битта телевизор тухфа қилинди. Туман «Агрокимётаъминот» корхонаси 1 миллион 250 минг сўмлик мактаб кийимларини олиб берди.

**К.ОЛЛОЁРОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

*«Ишонч»га жавоб берадилар*

# «УНУТИЛГАН ОРОМГОҲЛАР»

***Андижон вилоятида бу йил 22 та оромгоҳда 22250 нафар ўғил-қизни дам олдириш режалаштирилган. Ушбу мақсад учун 400 миллион сўм сарфлаш кўзда тутилган. Хўш, барча оромгоҳлар мавсумга ўз вақтида тахт қилиб қўйилдими? Муаммолар йўқми?***

***Газетамизнинг 2004 йил 29 май сонида чоп этилган «Унутилган оромгоҳлар» сарлавҳали мақолада ана шу масала қаламга олинган эди. Орадан муайян фурсат ўтди. Бугун аҳвол қандай? Ўзгаришлар борми?***

***Мақола юзасидан таҳририятимизга йўлланган жавоб хатида жумладан, шундай дейилади:***

Мазкур мақолада қайд этилган Пахтаобод туманидаги 31-мактаб-интернатга қарашли оромгоҳ «Ҳақиқат» ширкат хўжалигида жойлашган. 260 ўринли. Болаларнинг сифатли дам олишларини ташкил этиш мақсадида вилоят халқ таълими бошқармаси ва мактаб-интернат маъмурияти чора-тадбирлар ишлаб чиққан.

Ёзги ётоқхоналарнинг барчаси, шунингдек, қизлар учун мўлжалланган хона, ошхона, электр тармоқлари тўлиқ таъмирдан чиқарилди. Ошхона учун мактаб-интернатдаги стол-стуллар ва жиҳозлар олиб келинди. Оромгоҳ тоза ичимлик суви билан таъминланган. Спорт майдончасининг атрофига чегара чизиқлари тортилиб, ободонлаштириш ишлари олиб борилди, ҳозирда спортнинг волейбол, футбол, баскетбол турлари билан мунтазам шуғулланилиб, мусобақалар ўтказиб келинмоқда.

Тарбияланувчиларнинг мазмунли дам олишлари, маиший шароитларни яхшилаш мақсадида дам олиш хонаси, телевизор, магнитофон, видеомагнитофон билан таъминланган. «Маънавият хонаси»да 20 турга яқин республика, вилоят, туман рўзнома ва журналлари, кутубхонада эса 500 дан зиёд бадиий китобларни болалар мутолаа этмоқдалар.

Оромгоҳда фаолият кўрсатаётган тиббиёт хонаси зарурий дори-дармонлар билан таъминланган. Бундан ташқари, «Соғлом авлод учун» жамғармаси вилоят филиали томонидан ҳам 25 турда биринчи ёрдам учун дори-дармонлар берилди. Жамғарма қошидаги тиббий-ижтимоий патронаж бригадаси мутахассислари дам олаётган болаларни тиббий кўрикдан ўтказди. Мазкур оромгоҳда биринчи даврада 124 нафар болалар соғломлаштирилди, иккинчи даврада эса уларнинг сони 127 нафарни ташкил этмоқда.

Шунингдек, мақолада келтирилган металлургия ва машинасозлик саноати ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитасининг Андижон вилояти вакиллигига қарашли «Сўлим» оромгоҳи 1963 йилда фойдаланишга топширилган. 1999 йилга қадар Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш Давлат акциядорлик жамиятининг Андижондаги механика корхонаси тасарруфида фаолият кўрсатиб келган.

1999 йилнинг апрел ойида Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш Давлат акциядорлик жамияти ва Андижон механика корхонасининг мутасадди вакилларидан иборат махсус комиссия томонидан оромгоҳ ҳолати ўрганилиб, унинг тўла авария ҳолатида эканлиги тўғрисида тегишли далолатномалар тузилган ва шу йилдан унинг фаолиятини тўхтатиш мақсадида болаларни соғломлаштириш ва дам олдириш вилоят доимий комиссиясига тақдим этилган.

Комиссия ҳолатни ўрганиб чиқиб, вилоятда машинасозлик саноати ишчи-хизматчилари фарзандларини ёз мавсумида дам олишни ташкил этиш мақсадида оромгоҳни жорий таъмирлаш ва унинг фаолиятини ташкил этиш юзасидан зарур чора-тадбирлар белгилашни тармоқ касаба уюшма вилоят қўмитаси зиммасига юклаган. Шу асосда вилоят қўмитаси 1999 йил 30 июндан оромгоҳни ўз балансига олган ва 5 йилдан буён оромгоҳ фаолиятини ташкил этиб келган.

Бироқ жорий йилда авария ҳолатидаги оромгоҳ капитал таъмир ҳамда ундаги жиҳозларни юз фоизга алмаштиришга мухтож ҳолатга келиб қолганлиги, бу ишларни амалга ошириш учун 20 миллион сўмдан зиёд маблағ зарурлиги ҳисобга олиниб, 2004 йилда фаолият кўрсатувчи оромгоҳлар режасидан чиқарилган.

Ёзги дам олиш мавсумининг I босқичида вилоят машинасозлик саноати ишчи хизматчиларининг 182 нафар, II босқичида 265 нафар фарзандлари вилоят ҳудудидаги «Нур», «Шифокор», «Энергетик» оромгоҳларида дам олдирилди. Меҳр ва мурувват йили муносабати билан болалар учун йўлланмалар нархининг 40 фоизи вилоят касаба уюшмалари кенгаши мазкур тармоқ қўмитаси, 60 фоизи эса корхоналар ҳисобидан тўланди. III босқичда 200 нафар болаларни дам олдириш режалаштирилган.

Андижон вилояти ҳокимлиги ва мутасадди ташкилотлар болаларнинг ёзги дам олишларини юқори савияда ташкил этиш юзасидан барча имкониятларни ишга солади.

**М.ШАМСИБОЕВА,**
**вилоят ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитасининг раиси**

***Мамлакатимиз иқтисодиётини мустаҳкамлашда Олмалиқ кон-металлургия комбинати очиқ турдаги акциядорлик жамиятининг салмоқли улуши бор. Корхона жамоаси ишлаб чиқариш суръати ва сифатини яхшилаш борасида юқори кўрсаткичларга эришмоқда. Олтин, кумуш, мис, қўрғошин, рух каби кўплаб нодир, қимматбаҳо металлар тайёрлаш ҳажми ортмоқда. Уларнинг асосий қисми хорижга экспорт қилиняпти.***

# «КОЛМОҚИР» - НОДИР МЕТАЛЛАР КОНИ

Комбинатнинг мис-молибденга бой «Колмоқир» конида амалга оширилаётган ишлар ҳам эътиборга молик.

- Бу ердан бир кеча-кундузда етмиш минг тонна атрофида маъдан қазиб олинмоқда,- дейди кон техник ишлаб чиқариш бўлими бошлиғининг ўринбосари Муҳиддин Қосимов. - Замонавий техника воситаларидан кенг фойдаланиш ва кончиларга зарур шароит яратиш ҳисобига бу кўрсаткични янада ошириш ниятидамиз.

«Колмоқир» дунёдаги йирик ва фойдали қазилмаларга бой конлардан. Унинг очилганига яқинда 45 йил тўлди. Шу давр ичида ундан юзлаб миллион тонна маъдан қазиб олинди. Кон мамлакатимизни яна юз йил қимматбаҳо хомашё билан таъминлай олади.

Кон замонавий тоғ-кон транспорти воситалари билан тўлиқ таъминланган. Бир уринишда 15 кубметргача юкни юқорига кўтариб бериш қувватига эга экскаваторлар, 80-100 тонна юк кўтара оладиган ҳайбатли автоуловлар маъданни 430 метргача чуқурликдан юқорига олиб чиқади.



Конда атроф-муҳит муҳофазасига катта эътибор қаратилиши меҳнат унумдорлигига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Ўнлаб қудратли техника шиддат билан ишлаётганига қарамай, чанг-тўзон кўринмайди. Икки улкан автоулов йўлларга тинимсиз сув сепиб туради.

Комбинат таркибида маъданни очиқ усулда қазиб олиш конлари, бойитиш фабрикалари, металлургия заводлари, иссиқлик электростанцияси, таъмирлаш-механика заводи, автотранспорт ва темир йўл бўлинмаларини бирлаштирувчи мураккаб улкан саноат мажмуи ишлаб турибди.

Хусусан, мис эритиш заводида маъдан кислород факель печида эритилмоқда. Мис эритиш цехи бошлиғи Бахтиёр Ваққосовнинг гапларига қараганда, бу янгилик мисдан олтин ажратиб олиш миқдорини янада оширди. Ишлаб чиқариш жараёнида чиқадиган олтингугурт чанги ва қолдиқ металларни тутиб қоладиган тозалаш-фильтрлаш участкасининг ишга туширилиши эса атмосферага чиқиб кетаётган чангни 90-95 фоиз ушлаб қолиш имконини бермоқда.

**(ЎзА)**

*Аввало инсон бўлайлик!*

***Лоқайдлик – тузатиб бўлмас дард, инсон зоти кушандаси. Унинг касри хунук оқибатларни келтириб чиқаради. Мирзаободда юз берган фожеа боиси ҳам шу. Лоқайдлик қиркни қоралаган йигит умрига нуқта қўйиб, саксон ёш остонасидаги оқсоқол юзини ерга қаратди.***

# ЎЙЛАМАЙ ЧЕКИЛГАН ИМЗО

## хунук оқибатларга олиб келди

Улар бир маҳаллада турар, бир-бирини яхши билишарди. Бириували-жували мўйсафид бўлса, иккинчиси ўсиб-улғайиб келаётган раҳбар эди. Аммо биргина хатолик, аниқроғи ўзгалар дардини ҳис қила билмаслик, атрофдагиларнинг бепарволиги эл орасида обрў-мартабага эга ҳамқишлоқларни чоҳга қулатди.

Адолатга талпинмаган инсон йўқ. Ўзи аччиқ, аммо мағзи ширин бу туйғугина кўнглимизга таскин беради. Унинг тантанасигина ҳовуримизни босади. 78 ёшли Маман Ҳафизовнинг айтишича, барча дилозорликлар сабабчиси локайдлик аниқроғи ҳали Ўктам Бобоев Оқ олтин қишлоқ фуқаролар йиғини раиси лавозимида ўтирганида илдиз отган. Узоқ муддат ўз ҳақлигини исботлай олмаган Маман Ҳафизов адолат йўлидаги ғов деб ўша даврда Ў.Бобоев имзо чеккан фуқаролар йиғини қарорини билади.

Бу қандай қарор бўлдики, икки инсон ҳаётини остин-устун қилиб юборса! Келинг, воқеа тафсилотига назар ташлайлик. Бундан 46 йил муқаддам форишлик Маман Ҳафизов Мирзачўлга отланди. У Оқ олтин хўжалиги марказидан қўним топди. Ўн беш йилдан сўнг унинг ҳамқишлоқ дўсти Юсуф Ҳотамов ҳам кўчиб келган. Уйсиз қийналиб юрганида Маман Ҳафизов дўстига ҳеч иккиланмасдан вақтинчалик яшаб туриш учун уч хонали уйини ажратиб беради. Юсуф Ҳотамов вафот этгач ҳам унинг фарзандлари бу хонадонда яшаб қолишган. Кейинчалик марҳумнинг кенжа ўғли Эркин Ҳотамов уй сотиб олади. Аммо онаси ва укалари ўша эски уйни тарк этишмайди.

Уч йил илгари Маман Ҳафизов ҳамқишлоқ дўсти бевасига уйни бўшатишини, ўғлининг уйига кўчиб ўтишини сўрайди. Аммо Раъно Ҳотамова хонадондан кўчиб чиқмайди. Иш муроса-ю-мадора билан ҳал бўлишига кўзи етмаган Маман Ҳафизов судга мурожаат қилади. Даставвал суд унинг талабини қаноатлантириб, ишни Ҳафизов фойдасига ҳал этади. Аммо муайян муддатдан сўнг Маман Ҳафизов яна суд идорасига чақирилиб уй Раъно Ҳотамовага тегишли эканлигини, унинг даъволари рад этилганлигини билдиради. Ҳафизов асос талаб қилганида, унга 2001 йил Оқ олтин қишлоқ фуқаролар йиғини, туман ҳокими қарорлари, вилоят техника рўйхатга олиш кадастрининг 97-сонли уй чизмаси билан тасдиқланган ҳужжатлар тақдим этилади. Ана шу ҳужжатлар уй расман Раъно Ҳотамовага тегишли деган хулосани берарди. Ҳафсаласи пир бўлган қария бу кўргиликларида ўша даврда фуқаролар йиғини раиси бўлган Ўктам Бобоевнинг ҳиссаси бор, у Ҳотамовларга уйни расмийлаштиришда ёрдам кўрсатган деб ўйлаб келган. Ўктамдан кўп бора изоҳ талаб ҳам этган. Ҳар гал «Мен БТИ маълумотига асосан шундай қарор қабул қилганман» деган жавобни олган. Бироқ мулк аччиғи Ҳафизовнинг оромини ўғирлар, кечалар хаёлини қочирарди. 8 фарзандни тарбиялаб уйли-жойли қилган қария энди, набиралари ташвишида ўртанарди.

Бу орада Ўктам Бобоев туман ҳокими ўринбосари вазифасига кўтарилди. Энди даъвогарнинг бир оёғи ҳокимликда бўлиб қолди. Афтидан у ҳар гал хатоингни тузат, менинг уйим қандай ўзганинг мулки бўлиб қолади, дея зир қатнаган. Иши тиғиз Ўктам Бобоев эса «Эрта бораман, индин бораман», деб қутулиб келган. Шу тариқа кунлар, ойлар ҳатто йиллар ўтди. Сабр косаси тўлган Ҳафизов ҳоким қабулига ёзилиб, бор гап-сўзни достон қилди. У қарийб бир йил туман ҳокими ваъда қилган нуфузли комиссияни кутди. Аммо ваъдалар ёлғон чиқди.

Шу йилнинг 28 майида яна ҳокимиятга келди. Ўктам Бобоевни топиб анча тортишди. Уни ҳоким олдига мажбурлаб олиб кирмоқчи бўлди. Аммо Ўктам Бобоев унамади. Кўзи қонга тўлган Маман Ҳафизов унинг ўнг биқинига пичоқ санчганини ўзи ҳам билмай қолди. Шифокорлар саъй-ҳаракатига қарамай жароҳат оғирлиги, кўп қон йўқотганлиги боис Ўктам Бобоев шифохонада ҳаётдан кўз юмди.

Тузатиб бўлмас фожеа юз берди. Хўш, унинг олди олиниши мумкинмиди? Ҳафизовнинг илтимосини туман раҳбарлари инобатга олиши, маҳалла-кўй иштироки билан адолатли ечим топиши унчалик қийин эмас эди-ку. Аммо бунга қунт ҳам,эътибор ҳам етмади. Асаблари толиққан, маҳаллий маъмурлар лоқайдлигидан зада бўлган кекса кечириб бўлмас гуноҳга қўл урди. У ўғли тенги йигит умрига нуқта қўйди. Бир умрлик тоат-ибодати бир пул бўлди. Марҳумнинг 5 нафар фарзанди бўтадай бўзлаб қолди.

– Лоқайдлик шу даражага борганки, ҳокимликнинг бирор вакили бу ҳодисани тегишли идораларни хабардор қилмаган, – дейди Сирдарё вилоят бош меҳнат техника инспектори Бобо Низомов. – Кеч бўлса-да марҳум Ў.Бобоевнинг фарзандларига товон пули ундириб бериладиган бўлди.

Лоқайдлик-иллат. Туман раҳбарлари одамлар мурожаатини ўз ташвишларидан устун қўймаганларида фожеа юз бермасмиди? Бундай дейишимизга тўла асосимиз бор. Мавзудан чекинмаган ҳолда бир мисол. Вилоят ҳокимлиги назорат гуруҳи яқинда туманда фуқаролар ариза ва шикоятлари билан ишлаш аҳволини ўрганди. Тумандаги ачинарли ҳолат хусусида матбуотда бонг урилди. Таассуфки, мутасаддилар ана шундан кейин ҳам тегишли хулоса чиқармаган. Мана оқибати. Маман Ҳафизов ҳам ҳокимликка умид боғлаганди. Унга ҳақ бўлса, уйни қайтариб олишга кўмаклашиш, ноўрин даъво қилаётган бўлса, ётиғи билан тушунтириш шунчалар қийинмиди! Ҳал бўлмайдиган муаммонинг ўзи йўқ, дунёда. Бироз қунт, ҳафсала кифоя эди.

**Н.ШАМСИЕВ,**
**«Ишонч» мухбири**

# ХИТОЙ КРЕДИТЛАРИ ҚЎЛ КЕЛМОҚДА

***Хитой хукумати мамлакатимиздаги соғликни сақлаш муассасаларини техникавий жиҳозлаш учун 30 миллион юан (3,62 миллион доллар) миқдорида фоизсиз кредит ажратди.***

Республика соғлиқни сақлаш вазирилигидан олинган маълумотга кўра, фоизсиз кредитлар ўн йиллик имтиёз билан йигирма йил муддатга ажратилди.

Олинган кредит маблағлари асосан тиббиёт институтлари ва улар қошидаги клиникаларни даволаш-ташхис ўқув ускуналари билан жиҳозлашга сарфланади.

Маълумки, жорий йилнинг ўтган ойида ХХР хукумати 2004-2008-йиллар мобайнида қўшма лойиҳаларни амалга ошириш учун мамлакатимиз ҳукуматига жами 370 миллион юан (45 миллион долларга яқин) миқдорида маблағ ажратган эди.

Мазкур маблағлар қишлоқ хўжалиги, транспорт инфратузилмаси, энергетика, сув заҳиралари ва соғлиқни сақлаш соҳаларидаги лойиҳаларни рўёбга чиқариш учун йўналтирилади.

Айни пайтда ХХР хукумати Ўзбекистонга имтиёзли ва фоизсиз кредитлар, шунингдек, қишлоқ хўжалик техникаларини (мини тракторлар) йиғиш, уй-жойларни газ ва сув ўлчагич асбоблари билан жиҳозлаш ҳамда мелиорация техникалари хариди учун 370 миллион юан миқдорида беғараз ёрдам кўрсатди.

